

Малай архипелаги ва Маллакка ярим оролидаги кадимги давлат бирлашмалари.

Бу территорияда дастлабки давлатлар эрамиз чегарасида вужудга келган. Махаллий деҳқончилик кабилалари шоликорлик, бронза қуйиш, темир эритиш билан машғул бўлганлар. Аждодлар ва турли рухларга сугиналган. Малайлар ва австронезия тил оиласига қирувчи халқлар кадимдан мохир денгизчилар бўлишган.

Маллакка бўғизи ва кадимги Кусантара (Ўзбек ороллари) сувлари орқали жаҳон савдо йўли ўтган. Тропик муссонлар доимий ҳаракат (сузиш)га ёрдам берган. Бу район яқин, ўзбек шарқ, Хиндистон ва Хитой савдо ва маданий алоқалари занжирининг муҳим халқаси эди.

Катта Зонд ороллари дарёлари водийлари ва Шимолий Малайда вужудга келган синфий жамиятлар территориясида Хинд, антик, Хитой манбаларида хабар берилган.

Хиндистоннинг ёзуви, адабиёти, мифологияси, буддизм ва индуизм нормаларининг... қабул қилиниши давлатчилик ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Кадимда ва ўрта аср бошларида (I-IV асрлар) /арбий Индонезия ва «Олтиё ярим орол» (грек авторлари Малайяни шундай атаганлар) территорияларида ўнлаб шаҳар давлатлар бўлган. Улар хусусий ва транзит савдо, шоликорлик, тоғлик васаллар ҳисобга яшаганлар. Энг кадимги давлатлар таркибига Лангкасука, Тамбалинга, Таккола қабилар қирган. Улар ўз географик ҳолатидан фойдаланиб, баъзан иттифокларга бирлашиб халқаро саво коммуникацияларини назорат қилганлар.

III-V асрларда уларнинг қўпчилиги вассал князлик сифатида Бапном кхмер империяси таркибига қирганлар, у парчалангандан сўнг Хитой билан фаол дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатганлар. Улар орасида энг яқини ва қучлиси Лангкасука асосий дин буддизм.

Индонезия территориясидаги кадимги миллат цивилизацияси муҳим районлари Шарқий ва Жанубий Суматра, айниқса Джамби ва Палембанг порт ва дарё водийлари эди. Бу ерда III аср бошларида ГЭИН давлати, VI асрда Малайю давлати бўлган. Улар Хиндистон, Эрон, Хитой билан саво қилганлар.

Ўрта аср бошларида /арбий Индонезия (V-VII асрлар).

Ява оролида иктисодий ва сиёсий вазият қатор давлатларни вужудга келтирган. /арбий Явада Тарума давлати. Монарх-депорт олий ҳукмронлиги Тарума территориясидан топилган V асрга доир санскрит ёзувларида раджа Турнаварман қўқларга қўтарилган. У қўшни князликларни бўйсундирган, унинг буйруғига бинаон қўп километрли сугориш канали қазилган. У ҳаёт ҳимоячиси-асровчи ҳудо вишнуга тенглаштирилган.

V-VII асрлардаги Хитой йилномаларига қўра Явада 30 га яқин давлат бирлашмалари бўлган. Қўшнилари билан урушлар жараёнида улар йириклаша борган. Унга Ява халқи консалидацияси ҳамда буддизм ва индуизмнинг тарқалуви ёрдам берган.

VII асрнинг 40-70 йилларида Калинга подшолиги қенгайган.

Суматра, Калимантан ички территориялари ва Шарқий Индонезияда у вақтда ибтидоий жамоа тузуми ҳукм сурган. (Ҳозир ҳам папуаслар).

VII-X асрларда Шривиджая давлати

Бапном денгиз империяси парчалангач VI-VII асрларда Шаркий Суматрада таъсирчан давлат бирлашмалари шакллана бошлади. Малакка бўғизи зонасида бир неча территория мустакилликка эришди.

Бу вақтда Жанубий денгизлар оркали бўладиган халқаро савдо сезиларли даражада ўсди. Хиндлар, форслар, арабларни ўзига жалб этадиган товарлар: кумуш, олтиш, рангли тошлар, марварид, кимматбаҳо ёғоч, зираворлар, дориворлар, тропик ўрмон маҳсулотлари...

Малай портларининг аҳамияти ошди. Шарк савдосидаги деярли барча товарлар шу ердан ўтган. (Перевалочнўй пункт). Транзит садодан катта фойда олинган. Савдо ва харбий флот имкониятлари оширилган. Индонезия давлатлари Хинд ва Тиня океанни бирлаштирувчи муҳи пунктларни назорат қилганлар.

Шу шароитда Шаркий Суматрадаги князлик Шривиджая кучайган. Қадимги малай тилидаги ёзувларга қараганда 682-685 йилларда Джаянаш ҳукмронли даврида бу давлат Малайю ва бошқа қўшнилари хисобига қенгайган.

Илк Шривиджая монархлари (хаджи) асосий мақсади Малакка ва Зонд бўғизларини назорат қилиб, савдо монополиясини ўрнатиш эди. VII-VIII асрларда бу давлат Хитой билан доимий дипломатик ва саво алоқаларида бўлиб турган. Шайлендр сулоласи даврида ҳукмдорлар ўзларини маҳаража деб атаётганлар. Кўпгина маҳаллий ҳукмдорлар (дату) бўйсундирилган.

Ченли кхмер ерлари, тьям мулклари ва Хитойга тобе Шимолий Вьетнам территорияси Шривиджая харбий экспанцияси объектига айланган. VIII-IX асрларда у ЮВА ва Ўзбек Шарқдаги кучли денгиз империясига айланган.

Бу давлат антик талассократиялар қаби воситачилик, бож, ўлпон ва талончилик хисобига яшаган.

IX-X асрлардаги араб географлари «Сабоҳ давлати»нинг иқтисодий ва сиёсий гуллаб-яшнаганлиги тўғрисида ёзганлар. 943 йили Маъсудий «махарожалар империяси» армияси, бойликларидан хайратланган.

Давлат идеологияси-буддизм, унинг «кенг йўл» маҳаяна оқими. Маҳаяна маъбудалари ва унинг мистик маросимларидан монархнинг илохий ҳокимияти гоёсини сингдириш мақсадида фойдаланилган.

Шаркий Хиндистон, Шри Ланка, Хитой билан қадимий алоқалар туфайли Шривиджая будда илмининг дунё марказига айланган. IX аср ўрталарида маҳаража Балапутра (Шайлендр сулоласи) Хиндистоннинг Наландра шарҳри будда университети яқинида манастир қурдирган.

VIII-IX аср бошларида Матарам давлати. Шривиджая таракқиёти ва заифлашуви

VIII аср бошларида Марказий Ява аграр район орасида энг бойи Матарам эди. Унинг ҳуқумдори (рату) Санжайя маҳаллий князлар (рака) орасидан етишиб чиққан. У индуизмнинг Шива қультига ҳомийлик қилган. Санжайя Матарам сулоласини бошлаб

берган. У Ява, малай ва хатто кхмерлар территорияларини бўйсундирган. Бу давлат Шривиджайя билан ракобатлашган. Иккала давлат Зонд бўғзи шаркидаги ерларга (Кадимги Тарума ерлари) даъвогарлик килганлар. (Бу ҳақда Хитой буддисти И Цзин ёзиб қолдирган. У VII аср 70-90 йилларида Шривиджайяда бир неча йил яшаб, санскрит текстларини таржима қилиб, асарлар ёзган).

Яваликлар марказлашган давлат шаклланиши жараёни анча қийин кечган. (Вилоят рақалари орасидаги Рақаларнинг ҳар бири ўзаро урушлар) маҳарожа унвонини олишдан умидвор бўлганлар. Матарам ҳукмдорлари ўз сиёсий ниятларини йирик храм комплекслари (М: Барободур) қуриш билан мустаҳкамлаганлар. Бу қурилишлар жуда қўп маблағ ва иш қучини ютиб юборган.

Матарам Бали фоллини эгаллашга ҳам ҳаракат қилган.

X аср ўрталарида подшо оиласи бошқарувида деспотизм элементлари қучайган, маъмурий-ҳудудий тизим мураккаблашган ва марказлашган. Оқруғларни олий қиновниклар, ҳукмдорнинг яқин қариндошлари бошқарган.

X аср охири XI аср бошларида қонунлар тўплами яратилган, Шривиджайяга қарши ҳарбий қуришлар уюштирилган. Яваликлар Суматрага ўтиб, Палембангни мажаклаб, тўлаганлар ва бир неча йил империяга ҳавф солиб турганлар.

Бу шароитда Шривиджайя Жанубий Хиндистоннинг Қолов давлатидан қўмақ сўраган. Ўз васалларига таянган Шривиджайя қарши ҳужумга ўтган. 1016 йили Матарам тўсатдан ҳужумга дучор бўлган, ҳукмдор ўлдмирилган, давлат қатор майдо мулкларга парқаланган. 20 йилдан ортиқ давом этган феодал тарқоқлик, ўзаро жанглар бошланган.

Феодал ер эгаллигининг узок давом этган эволюцияси Ява жамиятининг ҳарактерли белгисидир. VIII асрдан йирик феодаллар роли заифлашди, монарх ва ярим феодал элементлар қучайди. (қиновник ва рухонийлар ҳам).

У даврда асосий ер совға қилувчилар (берувчилар дартигель) йирик дунёвий феодаллар: рақалар, рақарянлар. Асосий олувчилар:-ҳрамлар. Ер бериш бўйича монарх ва унинг қариндошлари иккинчи ўринда турган. Йирик ер эгалари бир вақтнинг ўзида ер ва иммунитет инъом этганлар.

IX асрдан асосий ер берувчилар монархлар. Солик тўламайдиганлар (одатда храмлар) ерни дехқонларсиз олганлар, имтиёз ҳам берилган.

Имтиёз олмаганлар ер участкаларини дехқонлар билан бирга ёки иммунитетлар олганлар.

X асрда Матарамда ҳунармадчилиқ ҳам ривожланган. Экспорт моллари: х/б материаллар, совуқ қурул (машхур ханжар-қрис), ёғоч ва гаровдан ишланган буюмлар... Молукка оролларида зираворлар қелтирилган.

Матарам устидан ғалаба қозонган Шривиджайя ўз тараккиётининг чўққисига қиккан. Суматра-Малай империяси Нусантра денгизларида тўла ҳукмронлик қилган. Унинг будизмнинг жаҳон маркази сифатига обрўси ҳам ошган.

1011-1023 йилларда Атиша ўқиган.

Лекин XI аср бошларида Шривиджайя ва Қолов империя манфаатлари денгизларда тўқнашиб қолган. Сулолавий ва диний алоқалар рақобат билан алмашган. 1025 йили Ражендра Қола йирик флот билан ҳужум қилган. Шривиджайя савдо ва денгиз қудратига тузатиб бўлмас зарар етқазилган.

Индонезия маданияти

Жанубий-Шаркий Осиё халклари маънавий тараккиётга индонезия синфий жамияти илк ўрта асрларда ўзининг кайтарилмас тажрибасини кўшган. Қадимги Яван ва малай адабий ёзувлари ва тиллари шаклланган. У аввал расмий ва дин тили бўлган саскритнинг ўзига хос элементларини кайта ишлаш жараёнида юз берган. Махаллий тил ва ёзув системаси кенг тарқалган.

IX-X асрларда Матарамда адабиёт гуллаб-яшнаган. Кави (қадимги яван тили) тилида эпик, мифологик, культ, фалсафий асарлар ёзилган. (сюжетлари қадимги хинд ва автохтон).поэма-какавинлар (қадимги яван «Рамаяна»си), нарвлар («Махабхорат»нинг прозалик кайта ишл), тутурлар (диний-мифологик адабиёт ва насихатлар) будда трактатлари таржималари машхур ва маълум. Матарам махарожалари саройида шоирлар, актёрлар, музикантлар яшаган.

Ижоднинг турли жанрларини ўзида жамлаган машхур кўгирчок-соя театри (ваянг) тамошалари кўрсатилган.

Классик архитектура ва тасвирий санъат шаклланган (VIII-X асрлар). ЮВАдаги энг йирик буддизм ва индуизм ансамбллари (Борободур ва Лоро Жанггаранг). Материал-культ меъморчилигининг индонезия типи – чанди.

Ява ва малай усталари бронза скульптура куйиш техникаси, орнаментли ўймакорлик (тош, металл, ёғочга) сирларини олий даражада билардилар...

3. Мадрахимов.